

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиши тўғрисида)

2025 йил ноябрь ойининг 13 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья С.Шодмонов, судья ёрдамчиси Н.Эсановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Олмазор туман прокурорининг катта ёрдамчиси У.Жўраев, судланувчи [REDACTED], унинг ҳимоячиси – адвокат Ф.Султанов, жабрланувчи [REDACTED] иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан айбланган:

1976 йил 8 июль куни Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, [REDACTED]

нисбатан 1-1008-2502/616-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, суд тарафларнинг кўрсатувларини, ишда қатнашаётган прокурор фикрини эшитиб, жиноят иш ҳужжатларини атрофлича текшириб чиқиб, қуйидагиларни

### а н и қ л а д и:

Судланувчи [REDACTED] 2025 йилнинг 09 июнь куни соат 14:30да, бошқарувидаги ўзига тегишли техник соз ҳолатдаги давлат рақами 1 [REDACTED] бўлган “Lasetti 2” русумли автомобилни тегишли ҳужжатлар асосида юксиз, 1 нафар дастлабки тергов давомида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган номаълум шахс билан, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Себзор кўчаси бўйлаб, А.Қодирий кўчаси томондан Нурафшон кўчаси томонга тўрт бўлакдан иборат қатнов қисмининг чапдан биринчи бўлаги бўйлаб тахминан бошқариб келиб, 52-уй қаршисида мавжуд бўлган ортга қайрилиб олиш жойига келганида амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 4-банди, 77-банди 1 ва 3 кичик бандлари ва 99-банди яъни “Йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаркати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари керак”, “Ҳайдовчи ҳаракатнинг серкатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак. Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак”, “Светафорнинг



яшил ишорасида чапга бурилаётган ёки қайрилиб олаётган рельсиз транспорт воситасининг ҳайдовчиси қарама-қарши томондан тўғрига ҳаракатланаётган ва ўнгга бурилаётган транспорт воситаларига йўл бериши шарт. Трамвай ҳайдовчилари ҳам ўзаро ушбу қоидаларга амал қилишлари керак” деб кўрсатиб ўтилган талабларига амал қилмасдан, ўзига нисбатан қарама-қарши томондан тахминан 40-50 км/соат тезликда ҳаракатланиб келаётган ҳайдовчи 1988 йил 04 октябрь кунда туғилган [REDACTED] бошқарувидаги Скутерни тўғрига ҳаракатланиб ўтишига имкон яратмасдан, тахминан 15-20 км/соат тезликда ортга қайрилиб тўқнашув содир этган.

Содир этилган йўл-транспорт ходисаси натижасида Скутер ҳайдовчиси [REDACTED] тан-жароҳати олиб, шифохонага олиб борилган.

Жиноят иши юзасидан ўтказилган судга оид тиббиёт экспертизасининг 2025 йил 16 июнь кундаги №4393-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] танасида, “чап оёқ болдир суяклари пастки учлигидан очик синиб силжиши, чап болдир соҳаси эзилиб йиртилган яраси ва шилинмаси, ўнг болдир соҳаси қонталаши” каби тан-жароҳати мавжудлиги ва ушбу жароҳатлар қаттиқ ўтмас жисм таъсиридан етказилган бўлиши мумкинлиги, оғирлик даражасига кўра, [REDACTED] тан жароҳати эканлиги аниқланган.

Судланувчи [REDACTED] нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан айб эълон қилинган ва жиноят иши айблов хулосаси билан судга тақдим этилган.

Судланувчи [REDACTED] судга ариза билан мурожаат қилиб, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймон эканлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўраган.

Жабрланувчи [REDACTED] судга ариза билан мурожаат қилиб, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, [REDACTED] нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд тарафидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчи [REDACTED] ҳамда судланувчи [REDACTED] ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Олмазор туман прокурори катта ёрдамчисининг ҳамда ҳимоячининг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, судланувчи [REDACTED] айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган



зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инобатга олиб, [REDACTED] нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд тарафидан тасдиқлагандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқни йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

**а ж р и м қ и л а д и:**

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан судланувчи [REDACTED] нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми тартибида тугатилсин.

Жабрланувчи [REDACTED] етказилган зарар қопланганлиги инобатга олинсин.

Жабрланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқотилиши тушунтирилсин.

Суднинг ажримига у чиқарилган кундан эътиборан 10 кунлик муддат ичида судланувчи, жабрланувчи томонидан хусусий шикоят берилиши ҳамда прокурор томонидан хусусий протест келтирилиши мумкин.

**Раислик қилувчи судья:**

имзо

**С.Шодмонов**

Нусхаси аслига тўғри:

